



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2018 йил 16 мартдаги «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан  
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3606-сонли  
қарори ҳақида

Рухий ҳолатлар бузилишининг олдини олиш ва даволаш бўйича ишни  
янада такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси психиатрия хизмати  
муассасаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, хусусий тиббиётни  
ривожлантириш, маалакали врач-психиатрлар тайёрлаш мақсадида Вазирлар  
Кенгаши қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги  
«Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-  
тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3606-сонли қарори ижро учун раҳбарликка  
олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

а) Аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан  
такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

даволаш, профилактика ишлари ва руҳий ҳолатнинг бузилишини эрта  
аниқлашни ташкил этишнинг вартикал яқлит тизимини шакллантиришни  
таъминлаш орқали психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини самарали  
бошқариш механизмининг жорий этилиши;

Мамакатнинг ҳар бир аҳоли пунктида аҳолининг барча тоифалари,  
айниқса, болалар ва ўсмирлар учун сифатли ва қулай психиатрия ёрдами  
таъминлаш, шунингдек, руҳий ҳолати бузилган шахсларни даволаш учун  
дори воситаларига сарфланадиган харажатларнинг ягона мажбурий  
нормативларининг белгиланиши;

аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасида юқори маалакали кадрлар  
тайёрлаш, психиатрия муассасаларининг врач-психиатрларга бўлган  
эҳтиёжини қондириш, уларнинг маалакасини мунтазам равишда, шу  
жумладан, хорижийнинг етакчи кинникалари ва тиббиёт ташкилотларида  
ошириб бориши;

Ўзбекистон Республикаси психиатрия хизмати муассасаларининг айрим  
функсияларини соғлиқни сақлашнинг хусусий секторига ўтказиш, аҳолига

психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шеркatchилигини  
ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш учун  
инвестициялар жалб қилиниши;

Ўз жонига қасд қилишга уринган шахсларга туну-кун шопилинч ёрдам  
кўрсатилишини таъминлаш, шу жумладан, Ўз жонига қасд қилишнинг асли  
сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, Ўз вақтида ихтисослаштирилган  
ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш, Ўз жонига қасд қилишнинг ҳар бир  
ҳолати ҳақида психиатрия муассасаларини зудлик билан хабардор  
қилиниши;

психиатрия соҳасида фундаментад, амалий ва инновацион илмий  
тадқиқотларни фаоллаштириш, уларнинг натижалари ва ютуқларини руҳий  
ҳолати бузилишининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш  
самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирларни такомиллаштиришга  
хизмат қиладиган амалий фаолиятга кенг жорий этилиши;

аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимининг самарали фаолиятини  
таъминловчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш, психиатрия  
муассасаларининг, шунингдек, улар бўлиналарининг моддий-техника  
базасини янада мустаҳкамлаш, уларни тиббиётнинг замонавий асбоб-  
ускуналари ва техникалари билан жиҳозланиши;

б) 2018 йил 1 майдан бошлаб хусусий тиббиёт ташкилотларида руҳий  
ҳолат бузилишини ва ҳулк-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш  
бўйича аҳолига айрим хизматлар кўрсатишга руҳсат этилиши;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон  
хусусий амалиёт врачлари уюлмаи билан биргаликда бир ой муддатда  
руҳий ҳолати бузилишини ва ҳулк-атвор бузилишини ташхис қилиш ва  
даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган  
хизматлар рўйхати тасдиқланишини;

в) 2018 йил 1 октябрдан бошлаб диспансер кузатуви остидаги шахслар  
тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг психиатрия муассасаларида қанча  
муддат бўлганликлари, берилган дори воситалари, кўрсатилган ижтимоий  
хизматлар ва тақдим қилинган имтиёزلардан иборат бўлган, шунингдек, бу  
соҳадаги ишларнинг ҳолати тўғрисида тезкор ахборот олиш имконини  
берувчи ушбу шахсларнинг ягона электрон реестри юритилиши амалиётга  
жорий этилиши;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари  
коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Соғлиқни сақлаш  
вазирлиги билан биргаликда диспансер кузатуви остида бўлган шахсларнинг  
ягона электрон реестрини яратилиш ва ушбу банда белгиланган муддатларда  
Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси  
мабағлари хисобидан ишга тушириш таъминланиши;

г) 2018 йил 1 апрелдан бошлаб ички ишлар органлари Ўз жонига қасд  
қилинган ҳар бир ҳолат тўғрисида психиатрия хизмати муассасаларида  
зудлик билан хабар бериши белгиланган бўлиши;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ва  
бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 майга қадар  
бўлган муддатда психиатрия муассасаларини Ўз жонига қасд қилиш

ҳаракатлари туғрисида мажбурий равишда хабардор этиш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқланиши, шунингдек, аҳоли ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш масалаларини ўрганиши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хайъат мажлисларида муҳокама қилиб борилиши;

д) Рухий ҳолати бўзилган шахсларнинг, шу жумладан, нопиронларнинг меҳнат терапияси, уларни янги қабларга ўқитиш ва ишга жойлаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги психиатрия муассасалари ҳудудида давлат-хусусий шериклик шартларида даволаш-ишлаб чиқариш корхоналари тузиллиши;

Даволаш-ишлаб чиқариш корхоналари 2018 йил 1 июлдан 2023 йил 1 январгача ер солиғи, юридик шахслардан олинмаган фойда солиғи ва мулк солиғидан, шунингдек, ягона солиқ тўловидан озод қилиниши;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиқлари, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ушбу бандни амалга ошириш бўйича зарур ташкилий чоралар кўриши;

е) Қуйидагилар:

аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизimini янада такомиллаштиришга доир биринчи галдаги чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

психиатрия муассасаларини 2018 йилда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш)га доир чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ;

2018-2020 йилларда республика психиатрия муассасаларининг биноларини қуриш ва реконструкция қилишга доир чора-тадбирлар дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

1-3 иловалар рус тилидаги мағнада берилган.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазир, вазирлик ва идоралар раҳбарлари кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгар эканликлари белгиланганлиги;

Молия вазирлиги мазкур қарорнинг 2-илоvasида кўрсатилган тиббиёт асбоб-ускуналарини харид қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилганлиги;

ж) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

чора-тадбирлар дастурилари бажарилишининг боришини ҳар ойда танқидий муҳокама қилиниши;

муҳокамадар якуни бўйича топширилган вазифаларнинг муддатлари бўзиллиши ва бажариллиши узлиб қолишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан катъий жавобгарлик чоралари қўлланиши;

икки ой муддатда 2018 - 2020 йилларда врач-психиатр тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва хорижнинг етакчи клиника ҳамда тиббиёт муассасаларида малякасини ошириш дастурини тасдиқланиши;

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб давлат гранти асосида «психиатрия» йўналиши бўйича магистрларни тайёрлаш юзасидан олий тиббиёт таълим муассасаларига, жумладан Тошкент тиббиёт академиясига - 15 нафар, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Андижон давлат тиббиёт институти, Бухоро давлат тиббиёт институти, Самарқанд давлат тиббиёт институтига - 10 нафардан кабул квоталари ошириллиши;

з) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Даволаш-профилактика ёрдамни таъкиллаштириш бош бошқармаси тарқибда вазирлиқнинг умумий бошқарув ходимлари сони доирасида 3 бирлик миқдорда психиатрия ёрдами масалалари бўйича бўлим тузиллиши;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ҳафта муддатда янги тузилаётган бўлимини юқори малякали кадрлар, биринчи навбатда, тажрибали врач-психиатр ва невропатологлар билан тўлдирилиши;

и) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб:

Тошкент врачлар малякасини ошириш институти, Самарқанд давлат тиббиёт институти ва Андижон давлат тиббиёт институтида базавий тиббиёт маълумотиغا эга бўлган врачлар учун уларнинг ўртача ойлик иш ҳақиси сақлаган ва хизмат сафари харажатларини қоплаган ҳолда «психиатрия» ва «суицидология» йўналишларида ихтисослашув курслари ташкил қилиниши;

Тошкент врачлар малякасини ошириш институти, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали, Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали, Андижон давлат тиббиёт институти ва Самарқанд давлат тиббиёт институтида «психиатрия» йўналиши бўйича клиник ординатурада ўқиш учун ўринлар сонини 10 нафаргача ошириллиши;

к) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида»ги ПҚ-2863-сон қарори иловаасининг 2-бандидати рус тили матнидаги «психических заболеваний» сўзлари «отдельных психических заболеваний» сўзлари билан алмаштирилиши;

д) Соғлиқни сақлаш вазирлиги маффаотдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда конун ҳужжатларига ушбу қарордан кейинб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар туғрисида тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилиши маълумот учун кабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2018 йил 1 майдан бошлаб хусусий тиббиёт ташкилотларига руҳий ҳолат бўзиллишини ва ҳулк-атвор бўзиллишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича аҳолига айрим хизматлар кўрсатишга руҳсат этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда бир ой муддатда руҳий ҳолати бўзиллишини ва ҳулк-атвор бўзиллишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизматлар рўйхатини шакллантирсин.

4. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қорақалпоғистон Худудий бошқармаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 октябрдан бошлаб диспансер кузатуви остидаги шахслар тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг психиатрия муассасаларида қанча муддат бўлганликлари, берилган дори воситалари, кўрсатилган ижтимоий хизматлар ва тақлим қилинган имтиёزلардан иборат бўлган, шунингдек, бу соҳадаги ишларнинг ҳолати тўғрисида тезкор ахборот олиш имконини берувчи ушбу шахсларнинг ягона электрон реестри юритилиши амалиётга жорий этилсин.

Диспансер кузатуви остида бўлган шахсларнинг ягона электрон реестрини яратиш ва ушбу бандда белгиланган муддатларда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишга тушириш таъминлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, прокуратура ва бошқа манфаатдор идорага билан биргаликда 2018 йил 1 майга қадар бўлган муддатда психиатрия муассасаларини ўз жонига қасд қилиш ҳаракатлари тўғрисида мажбурий равишда хабардор этиш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин, шунингдек, аҳоли ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш масалаларини ўргансин ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги хайъат мажлисларида муҳокама қилиб босин.

2018 йил 1 апрелдан бошлаб ички ишлар органлари ўз жонига қасд қилинган ҳар бир ҳолат тўғрисида психиатрия хизмати муассасаларига зудлик билан хабар бериши белгилаб қўйилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вазирликлар ва бошқа манфаатдор идорага билан биргаликда руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг, шу жумладан, ногиронларнинг меҳнат терапияси, уларни янги касбларга ўқитиш ва ишга жойлаштириш учун туманлар ва Нукус шаҳридаги психиатрия муассасалари худудида давлат-хусусий шериклик шартларида даволаш-ишлаб чиқариш корхоналари тузилсин.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалида «психиатрия» йўналиши бўйича клиника ординатурада ўқиш учун ўринлар сонини 10 нафаргача ошириш бўйича Тошкент педиатрия тиббиёт институтига ўз тақлифларини киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2863-сон қарори иловасининг 2-бандидаги рус тили матнидаги «психических заболеваний» сўзлари «отдельных психических заболеваний» сўзлари билан алмаштирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идорага билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларида ушбу қарордан келиб чиққан ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вазирлик ва идорага раҳбарлари кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар дастурларида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавоббар эканликлари белгилансин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқ бошқармаси даволаш-ишлаб чиқариш корхоналарини 2018 йил 1 июлдан 2023 йил 1 январгача бўлган муддатда ер солиғи, юридик шахслардан олинган фойда солиғи ва мулк солиғидан, шунингдек, ягона солиқ тўловларидан озод қилиш топширилсин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммада қолдираман.

Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг Раиси

Қ.Сариев

